

“AGRO FINANS LIZING” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БИЛДИРИШНОМА

“Agro Finans Lizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2025 йил 29 сентябрдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Agro Finans Lizing” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2025 йил 12 ноябрда Q0677-11-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қилади.

Ушбу чиқарилиш доирасида эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1000 сўм бўлган умумий қиймати 352 215 016 000 сўмлик 352 215 016 (уч юз эллик икки миллион икки юз ўн беш минг ўн олти) дона оддий акциялар жойлаштирилади. Акцияларнинг ҳар бир донаси учун сотиш нархи 1 000 сўм.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг тегишли савдо майдончаларида битим тузиш орқали қонунчиликда ва савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

Акциядорлар қўшимча чиқарилган акциялардан ўзи эгаллик қилаётган шу турдаги акциялар улушига мутаносиб равишда сотиб олишлари мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати ушбу билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 10 кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, ушбу акциялар ёпиқ обуна орқали “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамиятига қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг тегишли савдо майдончаларида битим тузиш орқали қонунчиликда ва савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

Жамият акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати 2025 йил 29 сентябрь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Акциялар учун пул маблағлари қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади:
Ҳисоб рақами: 20208000604475460001, МФО 00394, “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 206219586.

Жамиятнинг почта манзили: 100115, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@agrofinanslizing.uz